

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 40(65867)
1995 йил, 24 октябрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда



Онам эрталаб ишга кетишдан олдин синглим иккимизга тегишли уй ишларини булиб кетдилар. Мактабдан қайтсам синглим тушлик ҳам қилмай, китоб уқиб утирибди. Аччиғландим.

— Бу нима қилганинг? Ахир ҳадемай ойим келдилар, уй ишлари тугул тушлик ҳам қилмабсан-ку? Нима уқияпсан?

Саволларни қаторлаштириб ташлаганимдан сунггина Дилноза бошини китобдан кута-

риб, менга қаради.

— Биласанми, бугун тарих дарсидан жуда қизиқ мавзу утдик. Давомини билиш учун уйга келиб дарров кейингисини уқигим келди.

Мен уни дарров тушундим. Чунки мен ҳам биринчи марта «Ўзбекистон тарихи» дарсини уга бошлаганимизда худди шундай ҳолатга тушган эдим. Нимага деб ажабланманг. Биз синглим Дилноза билан рус мактабида таълим оламиз. Шу сабаб тарих, адабиёт каби фанларда кўпроқ рус миллатига хос темаларни утамиз. 7-синфдан бошлаб эса «Ўзбекистон тарихи» фани утила бошлайди.

— Дарсда, биз юртимиз ҳақидаги ҳали эшитмаган ва билмаган маълумотларни билиб оляпмиз, — деди яна Дилноза.

— Уқитувчимиз ҳам «Биз илгарилари бундай маълумотларни уқувчиларга етказа олмасдик, мана мустақиллигимиз шарофати билан Ўзбекистоннинг аниқ тарихини урганиш имконига эга булдингизлар», деди ва бизларга яна қўшимча китоблар ҳам тавсия қилдилар.

Синглим тарих фанига жуда қизиқар эди. Тарихий китобларни қизиқиб уқирди. Уқитувчиси тавсия қилган китобларни ҳам кутубхонадан олиб уқиди. Энди эса уқув йилининг 3-чорағида булиб утадиган тарих фани олимпиадаларига тайёргарлик курмоқда.

**Ш. АЗИЗОВА,
Кўкон шаҳри.**



Бир ҳафта янгиликлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони чиқди.

Юртбошимиз Ислон Каримов бошчилигидаги делегация БМТнинг 50-юбилей сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка жўнаб кетди.

Фаргона вилояти пахтакорлари давлатга пахта топшириш йиллик режасини адо этишди.

Тошкентдаги марказий «Пахтакор» уйингоҳида Ўзбекистон ва Нигерия терма жамоалари ўртасида Афро-Осиё кубоғи учун бўлиб ўтган футбол мусобақасида нигерияликлар 3:2 ҳисобида голиб чиқишди.

Ўзбек тилига Давлат мақоми берилганининг 6 йиллиги юртимизда кенг нишонланди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 318-мактаб қошида бошланғич синф гимназияси очилди.

Қарши шаҳридаги 16-болалар боғчасида ён-атрофдаги мактаб уқувчилари ўртасида кўгирчоқ ва уйинчоқлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрик танлов голибларига мукофотлар тақдим қилинди.

Бекобод шаҳрида қурилган болалар боғчаси 30 нафар ногирон гўдакни ўз бағрига олди.

„Би-БиБ“ ёки Машина

— Ойимларнинг айтишларига қараганда, тилим илк бор «би-биб» сўзи билан чиққан экан, — дейди Акмал Икромов туманидаги болалар ижодиёти маркази қошидаги «Автокўпураш» тўғарагининг аъзоси Равшан Юсупов. — Ҳеч нарсага кўнмай, хархаша қилаётганимда «ана би-биб», дейишса тамом, дарҳол жим бўлиб «би-биб»ни қидирар эканман.


Равшаннинг дадаси кўп йиллардан бери механик бўлиб ишлайдилар. Машинани таъмирласалар, доимо Равшан ёнларида. Иложи бўлса ўзи тузата қолса. Унинг мактабдош ўртоғи Жамшид ҳам машинанинг «ашаддий» ишқибози. Бу икки ўртоқ Равшан ака Иброҳимов бошқараётган «Автокўпураш» тўғарағида йўл ҳаракати қоидаларини, тез юриш, моторни ечиб-йиғиш сирларини мукамал ўрганиб бораётдилар. Шу билан бирга ўзлари таълим олаётган 106-мактабда «Яшил чироқ» командасининг

фаол аъзолари. «Яшил чироқ» телевизион мусобақасида иштирок этиб, шаҳарда фахрли биринчиликни кўлга киритишди. Бу йил Андижонда бўлиб ўтган Республика мусобақасида эса иккинчи ўринни олиб қайтишди. Яқингинада Республикада ўтказилган

«Туркистон соврини» учун II Халқаро мусобақада Ўзбекистон командаси номидан иштирок этиб, автомоделнинг олти туридан бири автокўпураш бўйича қатнашишди. Бу мусобақада болаларга шоҳсупанинг учинчи ўрни насиб этди.

Вақт энг олий ҳакам, дейишади. Ким билсин, балки мана шу болалардан келгусида ажойиб машиналарнинг ихтирочилари етишиб чиқар. Ўзбекистон тамғаси урилган машиналаримиз дунё кезар?..

Феруза ОДИЛОВА.



Суратда: тўғарак раҳбари Равшан ака Иброҳимов, болалар Жамшид Зухуров ҳамда Равшан Юсуповлар билан машғулот пайтида.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ ХОТИРАСИГА

Ўзбек халқи ўз фидойиларини ҳеч қачон унутмайди. Айниқса, маърифат йулида ўз умри ва ҳаётини бахшида қилганлар эл оғзидан бир ўмр тушмайдилар. Ҳасанхон ака Исломов ҳам ана шундай фидойи кишилардан эди. Бундан 70 йил муқаддам, 1925 йилда Ҳасанхон ака ўзбек фарзандларининг билимли, бой фикрли, уткир зехли қилиб тарбиялаш вазифасини мақсад қилган ҳолда Тошкент шаҳрида бугун ҳам зиё маскани бўлиб хизмат қилаётган 41-мактабни ташкил қилди. Мактабнинг илм пойдеворини тиклади, унинг шаҳардаги намунали мактаблардан бири булиши, ўқувчилари ҳамма томонлама етук билим олишлари учун ўз кучини аямади.

70 йил давомида мактаб қанча қанча ўқувчиларни «учирма» қилмади дейсиз? Улар узоқ йиллар давомида юртимиз ободлиги, тинчлиги учун турли жабҳаларда ишлаб келдилар. Уларнинг орасида Ҳасанхон аканинг ўз фарзандлари, неварачеваралари, эваралари ҳам бор эди.

Яқинда 41-мактаб узининг 70 йиллик юбилейини ва Ҳасанхон ака Исломов таваллудларининг 125 йиллик тантаналарини ўтказдилар.

— Ҳар бир мактабнинг ўз ҳаёт йули ва тарихи мавжуд, — дейди шу



мактаб ўқитувчиси Маҳбуба опа Юнусова. — 70 йиллик давр ичида бизнинг мактаб ҳам жуда кўп воқеаларни бошидан кечирди. Мактабимиз ҳаётидаги ҳар бир тадбир, ҳар бир байрам ўқувчиларимиз ёдида қолади. Биз улар кейинги авлод учун ҳам тарбия воситаси бўлсин, деган ниятда мактаб музейини ташкил қилдик. Токи, болалар бу ердигиларни кўриб, мактаб ҳар кимнинг ҳаётидаги биринчи илм ва тарбия маскани эканини унутмасин.

Мактаб музейи ҳам юбилей нишонланган кун очилди. Болалар бу ерда Ҳ.Исломовнинг ҳаёти узоқ йиллар болаларга таълим-тарбия берган муаллимлар, мактаб фаолияти ҳақидаги бой маълумотлар билан танишдилар.

Тантаналарга мактабда бугун таълим олаётган болалар катта тайёргарлик кўришган экан. Барча тадбирлар, байрам дастурлари йиғилганларга маъқул бўлди.

Ҳ.Исломовнинг таваллуд кунларига уларнинг ўғиллари, неварачеваралари ҳам келишди. Улар фидойи маърифатчи ҳақида ўқувчиларга ўз хотиротларини сузлаб беришди.

Р.АЛЬБЕКОВ суратга туширган лавҳаларда мактабдаги тантаналар акс этган.

Хунарли хор бўлмас

Кечга яқин шамол турди. У борган сайин кучаяр, барглари тукилиб, қуруқшай бошлаган дарахт шоҳлари бир-бирига урилиб, кишини ваҳимага соларди. Шу баҳона бўлдики, лоп этиб, чироқ учди.

— Аксига олади-да, — дея жавранди Ҳалима хола. — Даданг ҳам шаҳарга тушиб кетган эдилар. Бугун қоронғуда утирамиз шекилли.

Жамшиднинг ҳам кайфияти тушиб кетди. Чунки ҳали уй вазифаларини тайёрламаган, телевизорда ҳам яхши фильм бор эди.

— Узим уннаб курсам-чи? — саволомуз қаради онасига у.

— Асло қўлингни ура қурма, жонинг унтами? — шошилиб жавоб берди хола.

— Ахир бир йилдан ошди шу соҳада ўқийман. Нимасидан қўрқасиз, дарс машғулотларида неча бор синаб қурганмиз.

Шу гапдан кейингина она ўглининг таклифига кунгандай бўлди. Жамшид амалий машғулотларда кийиладиган резина қўлқопини кийдида, аввал хонадоннинг электр ҳисобчисини тек-

пира бошлади...

Урмонбек миллий хунармандчилик лицейи авваллари билим юрти ҳисобланар ва у ерда фақат экскаваторчилар тайёрланар эди. Йилига 30-40 нафар ёшлар бу мутахассисликни эгаллашгач, ишсиз юраверишар эди. Ахир бир туманда нечта экскаваторчи ишлаши мумкин? Туман халқ таълими бошқармасидигилар шунини ҳисобга олган ҳолда билим юртини миллий хунармандчилик лицейига айлантирдилар ва болалар эндиликда бу ерда кенг ихтисосли шофёрлик, қишлоқ хужалиги учун бухгалтергазначилик, миллий либос тикувчи чеварлик, атлас тикувчи, электромонтёрлик, тарбиячи, ошпазлик каби мутахассисликларни эгаллай бошлашди. Мутахассисликлар кенгайгач ўз-ўзидан ўқитиш ва лицейнинг моддий базасини кучайтиришга тугри келди. Бу ишда лицей директори Шухратбек ака Садирдинов ўз кучини аямади. Болаларнинг ўз йуналишлари буйича кучли билим олишлари учун барча шароитларни яхшилашга ҳаракат қилди. Бугунги кунда лицей Москвадаги заводлардан келтирилган автомобиллар ва турли эҳтиёт қисмлари билан, Андижондаги ўзбек-турк қўшма корхонасининг тикув машиналари билан таъминланди. Лицейда катта атлас тикув устахонаси ташкил этилди. Билим олиш, хунар урганиш учун яратилган барча шарт-шароит болаларни руҳлантириб юборди. Шу сабаб улар вилоят миқёсида ўтказилган билим юртлари ва лицейлараро трактор бошқаруви баҳсларида 1-урин, шофёрлар баҳсида эса олий уринни эгалладилар. Бу каби бир қанча курик-конкурслар совриндорлари бўлишди.

Лицейдаги болалар ўқишга интилишлари билан бирга меҳнатсевар ҳамдирлар. Лицейнинг 44 гектарлик ўқув хужалиги, ёрдамчи хужаликлари мавжуд. Бу ерларда етиштирилаётган мева ва сабзавотлар, қорамол гуштлари лицей ошхонасини таъминлаш билан бирга қишлоқ аҳолисига ҳам арзон нархларда сотиляпти.

Бу янги ўқув йили учун ҳам лицей жамоаси кўпгина режалар тузиб қўйишган. Яхши билим олиш билан бирга аҳолига маиший хизмат курсатишни йўлга қўйишмоқчи. Шунча мутахассислар ўз билимларини амалда ҳам синаб қуришади, бунинг эвазига эса лицей ўз моддий базасини кучайтириб олади...

Исмоил ака аста урндан турар экан:

— Хунарли ҳеч хор бўлмас, деб тугри айтишган экан. Салимни ҳам сен таълим олаётган Урмонбек миллий хунармандчилик лицейига ўқишга берман, — деди қатъий.

Нилуфар ДАВИДОВА,
Андижон вилояти.

ҚАЕРДАН ДЕЙСИЗМИ? СПОРТ МАКТАБИДАН

Ғиждувон шаҳридаги болалар спорт мактабининг очилганига кўп бўлгани йўқ. Ҳозир у ерда ўнта тўғрақ мавжуд бўлиб, 150 нафар ўсмир спорт таҳсилани олмоқда. Бўлажак олимпиадачиларга олти нафар спорт усталари маҳорат сирларини ўргатишяпти. Арсен Гасанов раҳбарлигидаги футбол тўғрагида 36 нафар ўқувчи бор. Унинг шоғирдлари Ойбек Садилов, Дамир Жавҳаров, Феруз Саидов, Дамир Аҳмедов машҳур команда «Зарангари»да ўйнаб, туман шарафини ҳимоя этишмоқда.

Чарм қўлқоп устаси Раҳим Турсуновнинг ўзи 20 йилдан буён бокс билан шугулланади. Ундан йўл-йўриқлар, усуллар ўрганган Фазлиддин Орзиев билан Нодир Шарипов Ангрен шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида 2-уринни олишдилар.

Ғиждувон спорт мактабининг дэюдочи қизлари шухрати эса яна Ўзбекистонимизга тарқалди. Улар бир қанча мусобақа ва олимпиадаларда фаоллик кўрсатиб, республика спорт кўмитасининг қимматбаҳо совғаларини олишди. Дэю-дочи Дилафрўз Отаева эса Ўзбекистон терма командасининг аъзоси сифатида Японияга боришга ҳозирлик кўрмоқда.

Сачоқ ЭҒАМОВ,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон шаҳри.


ЎЗИМИЗНИНГ КИЧИК УСТАМИЗ

пириб қурди, кейин куча эшиги олдидаги симеғочга чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан кейин уларнинг уйларида ҳам, қўни-қўшни хонадонларда ҳам чироқ чарақлай бошлади. «Ҳа, пучук, ишларинг яхшими», деб Жамшиднинг бурнини ҳар сафар чертиб утадиган қўшни Исмоил амаки унинг ишларини кузатиб турган экан. «Э, балли-е, ўзимизнинг устамиз бор экан-ку», деб қўйди.

Исмоил амакининг гапидан Ҳалима хола гурурланиб кетди. Ўглининг ҳам қўлидан иш келиб қолганига суюнди ва шу пайт ўтган йили ёзда Жамшид отаси билан ҳозир ўқиётган миллий хунармандчилик лицейига хужжатларини топшириб қайтганида қилган «туполони» едига тушиб кетди. Ушанда хола «Энг тунгич ўглингизни электромонтёр қиласизми?» деб хархаша қилганди. Юзига қизиллик югурди-да, угли сезиб қолмасин, деб ичкарига қириб кетди. Бироз ўтмай Исмоил амаки ҳам улар ортидан уйга кирди.

— Қани, Жамшид мактабнинг ҳақида бизга ҳам гапириб берчи, Салим уканг янаги йил 9-синфни битиради. Сенга ухшаб бирон хунар эгалласа, дегандим.

Жамшид ўз лицейи ҳақида тулқинланиб га-



«Шанба куни отоналар мажлиси. Соат 17.00 да синф ўқувчилари ўз отоналари билан келишлари шарт». Синф бурчагига илиб қўйилган эълонни ҳамма бирма-бир ўқирдида, жимгина ўтиб кетарди. Сабаби, улар ўша мажлисда ҳал қилинадиган масалани яхши билишар эди...

Отабекни кейинги икки йил ичида синфбоши қилиб сайлашди. Ўқишлари яхши бўлса-да, ўзи шўхроқ бола. Кикбоксинг бўйича спорт тўғрисида ҳам иштирок қилади. Шунинг учунми, синфдаги ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам унинг гапига кўнишади. Бу жиҳатдан синф раҳбаримиз Раъно опа ҳам унга суяниб қолган. Синфимизда юқори синфлардан қолиб, биз билан ўқиётган Икром деган бола ҳам бор.

Ўқиши яхши эмас. Шунинг учун синфдан синфга кўча олмаган. У жуда гавдали ва бўйи узун. Отабекнинг гапларини назар-писанд қилмайди.

Кунларнинг бирида катта танаффус вақти Икром ўзи тенги болалар, юқори синф ўқувчилари билан сигарет чекиб ўтирган экан Отабек буни кўрибди-да:

— Икром, сигарет чекапсанми, ўқитувчимиз «Чекишни жуда ёшлигидан бошлаган кишининг соғлиги яхши бўлмайди», дегандилар-ку. Бунинг устига бу ер мактаб бўлса. Юр, синфга кирамиз, — дебди.

— Бор, бор, мишиқи. Сен ким бўпсанки, менга ақл ўргатасан. Ўзим яхши биламан, нима қилишни, — деб жеркибди Икром...

Биз уни кейин ҳам бир неча марта уша болалар билан чекиб



ўтирганини кўрдик. Отабек ўшанда ҳам унга яхшиликча гапириб кўрди. Фойдаси бўлмади.

— Ўқитувчига айтман, — деди у.

Синф раҳбаримиз бу хабардан кейин Икромнинг ота-онасини мактабга чақиртирди. Улар билан суҳбатлашиб, ўғилларининг тарбияси

билан жиддий шугулланишлари кераклигини тушунтирди.

Отабек тўғри иш қилди-ю, аммо ўшандан кейин Икром унга «Чақмачақар» деб лақаб қўйди. Юқори синфдаги ўртоқлари ҳам уни катта танаффусларда фақат шу лақаб билан чақирадиган бўлишди. Отабек бунга чидай олмади. Дарсдан кейин Икромни пойлаб туриб, мактаб боғида унинг билан жиққа мушт бўлди. Ўртоқлари бўлиб, нега индамай турдинлар, деяётгандирсиз. Биз Отабекни кўп қайтардик бу йўлдан. Аммо у жуда аччиғланган эди. Муштлашишда ҳам уни ажратиш жуда қийин бўлди. Бахтимизга директор опа боғдан ўтаётган экан...

Шанба кунги отоналар мажлисида ана шу масала ҳал қилинади. Шу воқеа сабаб бўлдию, синфимизнинг тинч ҳаёти бузилди. Ким-

Тенгдошларингиз фикри

дир. «Чекса чекавермайдим, нима қилади Отабек ҳамма жойга бурнини суқиб?», деса, яна баъзилар «Ҳамма жим турса, синфбошининг нима кераги бор?» дейишади. Биз эса дўстимиз тўғри иш қилганини мажлисда ҳаммага чиқиб айтмоқчимиз. Шунда Отабек ёлғизланиб қолмаслигига ишончимиз комил.

Тоҳир СОДИКОВ,
Самарқанд шахри.

ТАҲРИРИЯТДАН: мактаб ҳаётининг ўз қонун ва қоидалари, яшаш тарзи бор. Бу қонун ва қоидаларга риоя қилмаганлар орасида норизолик пайдо бўлиши аниқ. Ушбу мактабдаги воқеалар эса фикримиз исботи. Сиз ҳам бу каби воқеаларни ўз мактабингиз ҳаётида учратгансиз. Шу сабаб, сизнинг мактабларингиз, тенгдошларингизга ўз мулоҳазаларингиз бизни қизиқтиради. Хатларингизни кутамиз.

Мактаб йулагида кўтарилган шовқинга ўтган кетиларнинг ҳаммаси — ўқувчилар ҳам, ўқитувчилар ҳам қизиқувчан назар билан қарашарди.

— Менинг болам ҳам лицей синфда ўқисин дейман-да, ахир унинг бошқалардан нимаси кам?

Узининг ҳақлигини тушунтирмакчи булган она ўқитувчининг гапларига эътибор бермасди. Дарси узилиб қолган синф болалари ҳам хонадан чиқиб бир-бирига гал бермай гапирётган она билан ўқитувчини ураб олишганди. Тез орада шовқин устига мактаб директори Дилоро опа етиб келди. Гап нима эканлигини билгач, масалага ойдинлик киритиш учун онани ўз хонасига олиб кетди. Йўлак яна бушаб, синф хоналарида дарслар давом эта бошлади.

Маълум бўлишича, Раҳима хола 7-синфда ўқиётган угли Равшанни лицей синфда ўқишини истабди. Аммо бу синфга утказиш учун боланинг баҳолари тўғри келмас экан. Дилоро опа Раҳима холага мактабнинг ўқитиш усуллари ва лицей синфга қабул қилиш шартлари ҳақида батафсил гапириб берди. Шу кундан бошлаб Равшанга синов муддати белгилан-

ларини ва у чорак якунида синовлардан яхши ўтса, албатта лицейга ўтишини ваъда қилди.

— Умрингиздан барака топинг, — деди севиниб Раҳима хола. — Боланинг ўқишга булган қизиқиши сўнмасин дейман-да.

— Дилоро опа ота-оналарнинг ҳаммаси билан шунақа ширин муомалада, — дейишди менга муаллимлар. — Ам-

ларнинг тенг ярми бугунги кунда лицей синфларда ўқишмоқда. Ушбу синфлар учун Дилоро опанинг олиб-югуришлари натижасида мактаб жамоасининг Низомий номидаги педагогика Давлат олийгоҳи ўқитувчилари билан биргаликдаги алоҳида дастури тузилди. Болалар ўз лаёқатлари ва хоҳишларига кўра физика-математика, иқтисодиёт, таъбат, экология каби тўрт йуна-

ника, экология дарсларида олган билимларини амалий жиҳатдан синаб кўрмоқдалар. Мактабнинг кичик фермаси ҳам бор. Баҳорда лимонарий қурилди. Ҳадемай, бу ерга болалар таътил кунлари ҳам парвариш қилишган лимон қаламчалари қадалади.

— Ҳар бир жамоани раҳбарсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — дейди экология ва ботаника муаллими Карим-

дан ўзгача. Бу ерда келажакда табиатимиз учун ҳайвонот ва усимлик дунёсини купайтириш, одамлар эмин-эркин нафас олиб, тоза сув ичишлари учун, жон кўйдирадиган фидоийлар улгаймоқда. Аммо бундай авлодни вояга етказиш осон эмас. Мактабимиз жамоасининг олдига қўйган мақсади битта — экологик маданияти кучли булган болаларни тарбиялаш. Экологик маданиятли бола ариқ сувига тупурмайди, ахлат ташламайди, куча ва боғларга экилган дов-дарахтларни синдирмайди, жониворларга озор бермайди.

Мактаб ҳовлисида чоп-қиллаб юрган кичкинтойлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг бири «Директор опамиз ҳаммамизнинг исмимизни ёддан билдилар», деди билагонлик билан. Шу сўзларнинг узигина 2000 нафарлик ўқувчиси бор мактаб раҳбари учун старли мақтов. Чунки болалар Дилоро опа Аҳмедовани фақат директор деб эмас, уларининг қадрдон устозлари, опалари сифатида яхши кўришади. Доимо соғ булинг, азиз устоз!

Д. ТУРАХМЕТОВА,
Тошкент шахри.

2000 ИСМНИ ЁДДАН БИЛАДИ

мо ўқувчилар билан қаттиққуллар. Қилинадиган ишларни бажарилишини ҳам қаттиқ назорат қиладилар.

Мана, беш йилдан буён опа нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ягона булган 305-лицей-мактабга раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Мактаб экология соҳасига ихтисослашган. Бугунги кунда бу билим масканида 2000 нафар угил-қиз таълим-тарбия олади. 1991 йилда ишга тушган мактаб аввалига экологик лицей тажриба майдони сифатида фаолият юргазган бўлса, икки йилдан сўнг у мактаб-лицей мақомини олди. Бу ерда таълим олаётган ўқувчи-

лишда ўқишади. Уларга пойтахтдаги энг йирик олийгоҳларнинг муаллимлари дарс беришади. Болалар бошқа мактабларда утилмайдиган, экологияга ихтисослашган экомехнат, «Экология ва иқтисод», «Экология ва тиббиёт» каби ўқув дастурларини ҳам урганшади. Дарсларда утилганларни амалда синаб кўриш учун ҳам барча имкониятлар бор. Мактаб атрофидаги 265 гектарлик боғ ўқувчилар назоратида. Томорқа хужалиги, сабзавот, пахта майдончаларида етиштирилаётган мева ва сабзавотлар мактаб ошхонасини таъминлаш билан бирга, болалар бу ерда табиат, бота-

жон ака Мамажонов. — 30 йил давомида Ўзбекистон Фанлар академиясида ишлаган устоз, бу ерда олиб борилаётган барча ишлар мақтовга лойиқ. Аммо уларнинг ҳеч бирини Дилоро опасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

305-мактаб-лицей жойлашган «Қурувчилар» турар-жойи Тошкентнинг чекка бир қисмида. Дилоро опа эса авваллари шаҳар марказида истиқомат қиларди.

Мактабдан ташқари вақтларни ҳам болалар билан утказиш учун шу ерга кучиб келдим, — дейди у. — Мактабимизнинг йуналиши бошқа таълим масканлариники-

БОБОСИНИНГ НАБИРАСИ-ДА

Тунов кун муҳарририятимизга жангчи мухбир, ёзувчи Назармат ака кириб келдилар. Қўларидан аллақандай қоғоз. Салом-алиқдан сўнг, кулимсираб мени саволга тутдилар.

— Феруза қизим, мактабда қандай ўқигансиз?

Кутилмаган саволдан ҳайрон бўлиб:

— Яхши ўқиганман, нима эди? — дея саволга савол билан жавоб қайтардим.

— Бир кунда бир фаннинг узидан 5 та беш баҳо олганмисиз?

— Йўқ, бунақаси бўлмаганди...

Шунда Назармат ака митти набираси ҳақида тўқинланиб гапира кетдилар:

Набирам Дилмуроджон 135-мактабнинг 2-синфида ўқийди. Ўзи зийрак, зукко бола. Шўхлиги ҳам бўлакча. Маҳалламиздаги ўғил болалар у ёқда турсин, қизлар билан ҳам бемалол тил топишиб кетади. Кечгача ўйнаб, зерикмайди, онаси чақириб келиб дарсхонасига киритиб

юборса, орадан ҳеч фурсат ўтмай, папкасини столдаю ўзини кўчада кўрасиз. «Набирам шўхгина, қани баҳолари қандай экан?» дея ўқишлари билан қизиқдим. Буни қарангки, кундалигида ора-чора «4»лар кўзга ташланмаса, баҳоларининг ҳаммаси «5».

Тунов кун набирам кўчадан кириб келяпти, оғзи қулоғида:

— Буважон, бугунчи ўқитувчимиз арифметикадан бешта қийин масалани доскага ёздилар-да: «Кимда ким тўғри ечса, бешта «5» баҳо қўяман», дедилар. Ҳеч иккаланмай доскага чиқдим-да, масалаларни ечдим. Ўқитувчимиз сўзларида туриб, бир эмас, бешта «5» баҳо кўйдилар, қаранг.

Омон бўлгур набирамнинг пешонасидан ўпиб кўйдим.

Назармат аканинг ҳикоясини тинглар эканмиз: «Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир минг қилсада Назармат бобонинг набираси-да», деб кўйдик ҳазил аралаш.

Ф. АБДУСАМАТ қизи.

Алла



Тун жуда узундир
хаёлимдан ҳам.
Сенга ёлвораман,
алла айт менга.
Борлиқ ҳам ухлайди
дунё ухлайди.
Хаёл ухшаш бебош
болалигимга.
Сен менга муқаддас
оналар айтган
Онамнинг алласин
айтиб бергин-а...

**Муниса ЮНУСОВА,
Тошкент вилояти, Зангиота
туманидаги 15-мактабнинг
10-синф ўқувчиси.**

Мақтабдан келган Собир укаси Собитга:

— Полдизимиздаги бегона утларни юлсанг бўлмайди, укажон? — деди.

— Акажон, улар бегона эмас, узимизнинг утлар-ку, — деди Собит қувлик билан.

бўлса, турдош от, — жавоб берди ўқувчи.

— Кетмоннинг юзини тошга ура-вериб қайириб юборибсан, дадангга қуринма, — оғоҳлангирди ойиси Акрония.

— Унда ойижон, мен кўчага кет-

ЖИЛМАЙИНГ, УМРИНГИЗ УЗОҚ БУЛАДИ

— Ҳалеб кўчага югуравермай, дарсингни қилмасанг, тескари шападоқ еб қоласан, — пуписа қилди Тоҳирга даласи.

— Узимнинг далажоним, ойм пишираётган шилпилдоқ тайёр бўлибди, чақираптилар, — деди Тоҳир даласини қучиб.

— Енғоқ, атоқли отми ёки турдош от? — суради ўқитувчи.

— Мағзи тўқ бўлса, атоқли, пуч

дим, сизга ҳам қуринмай қўя қолай, ошхонанинг пичоғи утмас бўлиб қолди, — кўчага чиқишга баҳона топди Акрон.

— Вой бошим, жудаям қаттиқ оғрияпти ойижон.

— Нега оғрир экан, юр докторга олиб борай бўлмаса?

— Йўқ, тоғамникига олиб боринг, тузалиб қолади.

**Фани АБДУЛЛАЕВ,
боғбон.**

ОТ БОСГАН ИЗНИ...

— Шўхратжон, хой Шўхратжон, уйдаемисиз? — овоз келди кўча тарафдан.

— Дада, далажон сизни чақиряпти, — дейишди кичкинтой Камолитдин ва Фахриддинлар. Дадалари ташқарига йўналиши билан туртишиб-суртишиб узларини ижодхонага уришди. Камолитдин мўйқаламга, Фахриддин эса буюққа епишди. Зумда Шўхрат ака чизаётган суратга «жило» бериб, яқунлаб қўя қолишди. Дадаларининг ижодхонасига кириб олиб чўгуллашипаётган фарзандларини курган Саида опа хавотирда улар ёнига ошқиди. Уғиллари яратган «санъат асари»га «маҳлиё» бўлиб турганида, митти мусаввирлар хондан қочиб қолишга улгуришганди.

— Хой даласи, манави шум-такаларингизни қаранг, рас-



мингизни нима қилишибди. — деди жиғибийрон бўлиб. — Бир кун боғчадан қолишса, мана шу аҳвол. Жуда шўх бўлиб кетишяпти-да.

— Қуявер онаси, койийверма. Буларнинг рассомликка иштиёқи борми, деб кўйдим-да, — деди Шўхрат ака болаларга танбех бериш урнига. Сўнг уларни чақириб, қўларига қоғоз, қалам тутқазди. Иккисига алоҳида тошшириқ ҳам берди. Кетидан «яхши чизганларга мукофот ҳам бўлади» деб қўшиб кўйди. Даламиз роса таъзимимизни берсалар керак, деган хавотирда келган болалар севишиб кетишди. Камолитдин машинанинг расмини чизди, Фахриддин эса қўғирчоқнинг расмини «қойиллатди». Шўхратжон ака уларнинг мўйқалам тутишларию мавзу танлан-



лари, берилиб расм чизишларини зимдан қузатди. Фарзандларида болаларча қизиқиш, уткинчи бир хавасдан бошқа яна нимадир борлигини англади. Шу-шу расм чизиш уларнинг сеvimли машғулотига айланиб қолди. Авваллари арзиган-арзи-маганга бир-бирлари билан уришиб қолишар, Саида опа эса айбдорни тополмай хуноб буларди. Энди эса бундай бекорчи жанжалларга фурсатлари йўқ. Тенгдошлари кўча чангитиб тўп пишаётганида, ака-ука қоғозларга кумилиб расм чизишарди. Қизиги, бундай дамларда умуман сузлашишмасди, ҳар бири уз фикри хаёли билан банд буларди. Бироз улғайишгач, Шўхрат ака уларни ўзи таҳсил олган Республика махсус мусиқа ва рассомчилик мактаб-ин-

уринларни эгаллаб қайтишди. 1994 йилда «Навруз байрами» конкурсда голиб деб топилгани учун Камолитдиннинг чизган расмлари Ҳиндистоннинг Шанкар шаҳрида ўтказилган жаҳон болаларининг курик-танловига юборилганди. Кўп ўтмай Ҳиндистондан хушхабар келди: Камолитдин танловнинг кўмуш медали совриндори бўлибди. Ушбу медал шу йил июнь ойида халқ маорифи томонидан Камолитдинга тақдим этилганда ҳам отаси, ҳам устози бўлмиш Шўхрат ака ҳамда Саида опалар бир суюнишган бўлса, Республика истеъдод жамғармасининг мукофоти билан тақдирланганда, ун қувонишди...

Оила аъзолари серфайз дастурхон атрофида жамланишди. Саида опа келтирган маза-ли паловни еб бўлишгач, ота-бола мусаввирлар уз ижод хо-



тернатига ўқишга берди. Болалардаги ҳавас ва интилиш устозлари уғиги, сабоғи билан уйғуллашиб кетди. Солда, олдийгина қилиб чизилган дастлабки расмлари қаторини мукаммал, тугал, мазмунан ранг-баранг асарлари тўлдирди борди. Камолитдиннинг чизган суратларида кўпроқ ўтмишимиз, миллий урф-одатларимиз талқин этилса, Фахриддин ўзбек халқ эртақларига расмлар ишлашни, дуслари портретларини чизишни хуш қуради. Чизган расмлари кўпчиликлари маъқул бўлганиданми, туман ва шаҳар миқёсидаги курик-танловлар уларнинг иштирокисиз ўтмайди ва албатта совринли

налари томон йўналишди.

Ҳадемай, бахсли мунозара, тортишувлар бошланади. Бир-бирларининг чизган суратлари хусусида узоқ фикрлашадилар, баҳо берадилар, камчилик ва нуқсонларини курсатишади. Шундан кейингина яхши бир асар яратилади. Ҳозирча эса уларга ҳалақит бермаслик маъқул. Буни Саида опа ҳам, уларнинг бошқа фарзандлари ҳам яхши билишади.

Келинг, яхшиси биз ҳам уларга ҳалақит бермай тура қолайлик. Уйланишсин, фикрлашсин, ижод қилишсин. Музаҳхибу Беҳзодлар ишининг ҳақиқий давомчилари бўлиб етишишсин.

Феруза ЖАЛИЛОВА.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайридин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г 0450. 11.000 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

